

АГЗАМОВА Муҳаббатхон Миртохировна
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломишунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ISESCO кафедраси
катта ўқитувчиси, PhD
m.agzamova@iia.uz
ag.muhabbat@mail.ru

“ТАРИХ АР-РУСУЛ ВА-Л-МУЛУК” РИВОЯТЛАРИ АСОСИДА ТАРИХИЙ ЖАРАЁНЛАР ЁРИТИЛИШИНING ЎЗИГА ХОСЛИГИ

ОСОБЕННОСТЬ ОСВЕЩЕНИЯ ИСТОРИЧЕСКИХ СОБЫТИЙ НА ОСНОВЕ ЛЕГЕНД «ТАРИХ АР- РУСУЛ ВА-Л-МУЛУК»

FEATURES OF COVERAGE OF HISTORICAL EVENTS BASED ON THE LEGENDS OF “TARIKH AR- RUSUL VA-L-MULUK”

Аннотация: Ўрта аср ислом тарихига оид манбалар орасида Муҳаммад ибн Жарир Табарийнинг “تاريخ الرسل والملوك” (Тарих ар-русул вал-мулук – Пайгамбарлар ва подшоҳлар тарихи) асари алоҳида ўринга эга бўлиб, хусусан, Табарий тарихий жараёнларни ривоятлар асосида, ровийлар занжирини сақлаган ҳолда, Қуръони каримда келган оятлар асосида хронологик тартибда, араблардаги тарқоқ оғзаки ва ёзма маълумотларни тизимлаштириш орқали, кенг қамровли, кўплаб халқлар ва элатлар тарихига оид воқеаларни баён этади. Табарий тарихий жараёнларга оид ривоятларни тақдим этишда, бир ривоятни иккинчи ривоятдан устун қўймаган ҳолда, ўзига қадар етиб келган барча ривоятларни беришга ҳаракат қилиб, кейинги даврга қадар кўплаб оғзаки ва ёзма ривоятларни етиб келишига хизмат қилган.

Калит сўзлар: Ислом тарихи, муаррих, ривоят, фақиҳ, манба, муфассал, сийра, пайгамбар, муаллиф, тасниф, қўлёзма.

Аннотация: Среди источников по истории ислама в средние века особое место занимает труд Мухаммада ибн Джарира Табари «Тарих ар-Русл э аль-Мулук» («Тарих ар-Русул валь-Мулук» - «История пророков и царей»), особенно Табари описывает исторические события на основе

повествований, сохраняя иснады рассказчиков, хронологически основываясь на стихах Священного Корана, систематизируя разрозненные устные и письменные сведения арабов, а также через широкий спектр событий, связанных с историей многих народов и народы. Излагая рассказы об исторических процессах, Табари старался привести все дошедшие до него рассказы, не предпочитая одно повествование другому, и послужил тому, чтобы до следующего периода дошло множество устных и письменных повествований.

Ключевые слова: история ислама, муаррих, повествование, фақиҳ, источник, муфассал, сийра, пророк, автор, классификация, рукопись.

Annotation: Among the sources of Islamic history in the Middle Ages, Muhammad ibn Jarir Tabari's work “Tarikh ar-Rusl wa al-Muluk” (“Tarikh ar-Rusul wal-muluk” - “History”) occupies a special place. Prophets and kings”), especially Tabari describes historical events on the basis of narrations, keeping the isnads of the narrators, chronologically based on the verses of the Holy Qur'an, systematizing the scattered oral and written information of the Arabs, as well. through a wide range of events in the history of many nations and peoples. In presenting narrations about historical processes, Tabari tried to give all the narrations that came to him, without preferring one narration to the other, and served to reach many oral and written narrations until the next period.

Keywords: Islamic history, muarrikh, narration, faqih, source, mufassal, siyar, prophet, author, classification, manuscript.

КИРИШ

Муҳаммад ибн Жарир Табарийнинг “Тарих ар-русул вал-мулук” асари муаррихлар орасида кўп мурожаат қилинадиган ва бугунги кунга қадар тўлиқ етиб келган асарлардан ҳисобланади. Табарий асосан ривоят услубидан фойдаланиб, маълумотларни тақдим этишда тўғридан-тўғри баён қилиш орқали қадимги ўтмишга оид оғзаки ривоятларни келажакга етказишга ҳаракат қилган. Табарийнинг бу услуби у яшаган даврга хос бўлиб, тарихчилар қўлидаги дастлабки қадимий манба сифатида мурожаат қилинадиган ҳижрий III-IV асрга оид асар ҳисобланади. Табарий асарда воқеаларни кенг қўламда ёритганлиги ва тарихий жараёнларга оид барча материалларни бир жойда жамлаган ҳолда воқеалар баёнини келтириб ўтганлиги сабабли, кейинги даврда Масъудий, Ибн Мискавайх, Ибн Асир ва Ибн

Халдун каби муаррихлар дастлабки манба сифатида Табарийга мурожаат қилишган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Карл Броккельман (1868-1956 й.) Мухаммад ибн Жарир Табарийнинг “Тарихи ар-русул вал-мулук” асарини дастлабки мукаммал халқлар тарихи сифатида эътироф этса, Фуад Сизгин (1924-2018 й.) Табарий яшаган даврдан аввал Хайсам ибн Адийнинг (ваф. 207/821 й.) “Тарих” китобини алоҳида эътироф этади [7:519]. Бу икки хил қарашда қай бири ҳақиқатга яқин эканлиги муҳим аҳамият касб этмайди. Сабаби, бу икки асар орасида жуда яқинлик бўлиб, Табарий ўз асарида Хайсам ибн Адийдан кўплаб ривоятлар келтирган. Тарихий жараёнларни ёритилиши нуқтаи назаридан, Табарий асари Хайсам ибн Адийнинг асаридан кенгрок бўлиб, “Тарих ар-русул вал-мулук” асарини кенг қамровли дунё тарихи сифатида қабул қилиш мумкин.

Абулҳасан Али ибн Мухаммад ибн Асирнинг (ваф. 630-1233 й.) “ал-Комил фи ат-тарих” (Мукаммал тарих китоби) асари ўрта асрдаги ишончли манбалардан бири бўлиб, китобнинг муқаддимасида “Мен ўз ишимни Табарийнинг “Тарих ар-русул вал-мулук” асарида фойдаланиб бошлаяпман. Аллома ёзган ҳамма нарсани олдим, ҳаттоки, изоҳларни ҳам эътиборсиз қолдирмадим” деб, Табарийнинг “Тарих ар-русул вал-мулук” асарининг аҳамиятини эътироф этган [3:6].

Асарда турли халқлар тарихига оид қадимий афсоналарни ҳам учратиш мумкин. Масалан, қадимги Турон ва Эрон халқлари орасида кенг тарқалган Каюмарс афсонасининг муфассал баёни турли ривоятлар асосида маълумотлар бериб ўтилган. Кейинги даврда Фирдавсийнинг (934-1012 й.) “Шохнома” асарида, Берунийнинг (973-1048 й.) “ал-Осор ал-боқия ан ал-қурун ал-ҳолия”, Алишер Навоийнинг (1441-1501 й.) “Тарихи мулуки аҷам” [2:158] асарларида ушбу афсона тафсилотларини учратиш мумкин.

Абу Райҳон Берунийнинг “ал-Осор ал-боқия ан ал-қурун ал-ҳолия” асари, Абу Аҳмад ибн Мухаммад ибн Мискавайҳнинг (932-1030 й.) “Китоб тажориб ал-уам” асари, Ибн Асирнинг “ал-Комил фи ат-тарих” асари, Алишер Навоийнинг “Тарихи мулуки аҷам” асари каби тарихий манбалар “Тарих ар-русул

вал-мулук” асарида бирламчи манба сифатида истифода қилганлар.

Ибн Жарир Табарий “Тарих ар-русул вал-мулук” асарни ёзишда исломдан аввалги араблар ва Ироқнинг қадимги тарихини Хишом Калбийдан (ваф. 204/819 й.), Яман ўтмишига оид қадимги хабарларни Ибн Исҳоқдан (ваф. 151/768 й.), Ваҳб ибн Мунаббаҳ (ваф. 120/738 й.) ва Мухаммад ибн Каъб Қуразий (ваф. 118/736 й.) ривоятларидан олган. Шунингдек, қадимги Рим ва Византия империясига оид қадимги хабарларни эса, Шом христианларининг ёзма манбаларига таяниб ёзган. Мухаммад (с.а.в.) ҳақидаги хабарларнинг асосий қисми Ибн Исҳоқдан (ваф. 151/768 й.) олинган бўлиб, бундан ташқари Абон ибн Усмон ибн Аффон (ваф. 105/723 й.), Урва ибн Зубайр (ваф. 94/713 й.) Шурахбил ибн Саъд (ваф. 123/741 й.), Мусо ибн Уқба (ваф. 141/758 й.) Осим ибн Умар ибн Қатода (ваф. 120/738 й.) ва Ибн Шихоб Зухрий (ваф. 125/742 й.)нинг ривоятларидан фойдаланган.

Сиффин ва Жамал воқеалари тафсилотини Ибн Калбий (ваф. 118/204 й.), Абу Миҳнаф Аздий (ваф. 157/774 й.), Воқидий (ваф. 207/822 й.), Мадоиний (ваф. 235/850 й.) ва Умар Шабби (ваф. 264/877 й.) каби муаррихлардан олган. Умавийлар тарихини ёритишда Авон ибн Ҳаким Калбий (ваф. 147/764 й.), Абу Миҳнаф Аздий (ваф. 157/774 й.), Хишом Калбий (ваф. 204/819 й.), Воқидий (ваф. 207/822 й.), Мадоиний (ваф. 235/850 й.), Умар ибн Шабба (ваф. 262/876 й.) ва Аҳмад ибн Зубайр (ваф. 279/892 й.) ривоятларидан фойдаланган. Аббосийлар тарихига оид маълумотларни эса, Хайсам ибн Адий (ваф. 207/821 й.), Воқидий (ваф. 207/822 й.), Мадоиний (ваф. 235/850 й.) ва Аҳмад ибн Зубайр (ваф. 279/892 й.)лардан келтирган [1:181].

Табарий асарда кейинги давр учун аҳамиятга эга хатлар, мурожаатлар, расмий баёлотлар каби бир қанча ҳужжатларни етказишга ҳаракат қилган. Муҳими Табарий кўплаб асарлардаги маълумотларни бир жойга жамлаб, янги маълумотлар билан бойитган. Бу маълумотларнинг аксарияти Табарий ижодида сақланган бўлиб, уларни бугунги кунга қадар етиб келишига хизмат қилди.

Ислом тарихшунослигида муҳим ўрин эгаллаган Табарий жоҳилия даврига хос тарзда

шеърлар, айтишувлар каби турли бадий матнлардан ҳам фойдаланган бўлиб, асосан, бу услубдан исломгача бўлган тарихий жараёнлар ёритишда қўллаган. Илк ислом даврига оид воқеаларни йиллар кетма-кетлигида тақдим этиб борган [8:258-259].

Ибн Жарир Табарий турли халқлар тарихини баён қилишда ўзига хос услубни қўллаган бўлиб, бу ҳақда Табарий қуйидаги фикрни билдиради: “Ҳар бир халқ ўз аجدодлари ва насл-насабини яхши билади ва бошқалардан кўра яхши англайди” [5:154]. Шу билан бирга тарихий жараёнларни ёритишда бадий услублардан хусусан, ёзишмалар, мактублар ва шеърлардан ўз ўрнида фойдаланиб, давр рухиятини сақлаган ҳолда баён этишга уринган.

Табарий асарларини ўрганиш орқали биз алломанинг қарашлари ва услубларини ўрганиш имконига эга бўламиз. Табарий “Тарих ар-русул вал-мулк” муқаддимасида “асарни таълиф қилишда асосан тарихий воқеаларни ровийлардан келган хабар ва маълумотлар тарзида тақдим этганлиги, жуда кам жойларда хулосалар келтирганлиги, бунга сабаб ўтмишда бўлган воқеаларга гувоҳлик бера олмаслиги ва ровийлар орқали етказилганлиги ва аҳамияти нуқтаи назаридан кам эътиборли тарихий воқеаларга унчалик тўхталиб ўтмаганлигини, ровийлардан келган хабарларни ўзига келганидек тақдим этганлиги” ҳақида тўхталиб ўтади [5:7-8].

Асарда муаллиф аксарият хабарларни ровийларга таянган ҳолда баён этиб, улар қандай ҳолатда бўлса шундай тақдим этган. Баъзи ўринларда: “У мен эмаслигимни ва буни фақат мен етказаётганлигимни эслатишни истадим” каби ибораларни қўлаб, ўзи тўғри топган маълумотлар билан бирга, воқеалар баёнига оид материалларни таҳлил этишни ўз ўқувчисига қолдирган.

Алломанинг юқорида келтирилган фикридан ҳам кўриниб турибдики, тарихий воқеаларга оид материалларни муҳокама мавзусига айлантормасдан, тўғридан-тўғри узатиш принципини қўллаган. Ўша даврдаги тарихий воқеаларни баён этиш хусусиятлари икки принцип, яъни тарихий воқеага шохид бўлиш ва ундан маълумотларни тақдим этиш ёки ровийлар орқали берилган хабарларни етказиш услубида бўлган.

Табарийнинг тарихий воқеаларни баён этиш усули муҳаддислар услубига яқин бўлиб, бу икки соҳанинг ўхшаш жиҳати, маълумотларни ривоят асосида, ровийлари билан тақдим этилганлигида кўришимиз мумкин. Табарий эса, тарихий жараёнларга боғлиқ ривоятларни хронологик йиллар кетма-кетликда келтириб ўтишга ҳаракат қилади [8:257]. Табарий асарнинг муқаддима қисмида маълумотларни тўғри, ишончли ровийлардан олганлигини айтиб ўтади. Шунингдек, тарихий жараёнларда бевосита иштирок этган ёки уларга яқин даврда яшаган одамлардан маълумотларни олишга ҳаракат қилади. Бир воқеага оид бир неча йўл билан келган иснодлар занжирини барчасини етказиш орқали, воқеаларни ишончли манбалар асосида тақдим этилганлиги ҳамда тарихий жараёнларга оид кўпроқ маълумот олиш имконияти борлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Асар ёзилган даврда илм нуфузи жамиятда ҳадисларни қанчалик эгаллангани билан боғлиқ бўлиб, кундалик ҳаётда ҳам ҳадислардан кенг фойдаланилган. Табарийнинг яна асарда ҳадислардан кенг фойдаланишига таъсир қилган жиҳати шундаки, ўша даврда сохта ҳадислар ҳам омма орасида ёйилган бўлиб, аллома тарихий воқеалар баёни орқали шубҳадан ҳоли ҳадисларни сақлаб қолиш ва келгуси даврга етказишни, тўқима ва иллатли ҳадислар кенг тарқалишининг олдини олишни мақсад қилган ҳолда ўз асарини ёзган.

Шиа, рофизий, муътазилый каби ўша даврда кенг тарқалган адашган оқимларнинг турли таъсиридан сақланган ҳолда тарихчи учун муҳим ҳисобланган ҳолислик принципи асосида кўплаб ривоятларни келтиради. Ҳар бир келтирган ривоятларининг бирини иккинчисидан устун қўймаган ҳолда тақдим этиб, хулоса чиқаришни ўқувчига қолдиради. Алломанинг бу услуби ҳақида Шокир Мустафо қуйидаги фикрларни келтиради: “Табарий ўзининг тақвоси ва илмга бўлган эътибори сабабли, бетарафлик ва қатъият асосида ислом тарихи ҳақидаги маълумотларни тақдим этади” [8:256].

Табарий ўз асарида тайёрлашда маълумотларни тафсир, сийрат китобларидан, хусусан, Ибн Исҳоқнинг “Сийрат” асарида ва Ваҳб ибн Мунаббаҳнинг “Китоб ал-мубтадо” китобидан фойдаланган. Форс тарихига

оид тарихий маълумотларни Абдуллоҳ ибн Муқаффа ва Хишом Калбийларнинг асаридан кенг фойдаланган.

Табарий тарихининг сийрат бўлимида келган ривоятлар асосан Ибн Исҳоқнинг “Китоб ал-мағозий” асарида келган маълумотларни бериш билан бирга воқеага гувоҳ бўлган ровийлардан ривоятлар нақл қилади. Табарий асосан ёши улуг, тарихий маълумотларни асл манбаига яқин шахслардан тўғридан-тўғри олишга ҳаракат қилган. Табарий Хишомдан ривоят этган бўлса-да, Ибн Хишом 218/833 йилда Табарий туғилишидан 20 йил аввал вафот этгани сабабли, унинг китобларидан фойдаланганлигини кўрсатади.

Табарий асарида сиёсий воқеаларни ёритишга кўпроқ эътибор қаратади. Бу ҳақда Ироқ тарихчиси Жавод Алий алломанинг бу услубини қуйидагича изоҳлайди: Умумий тарихни ёзадиган кўплаб тарихчилар сингари Табарий ҳам бутун эътиборни сиёсий тарихга қаратади. Бунга ўзи яшаган давр руҳи таъсир кўрсатган. Табарий тарихшуносликка хос қарашлар, араблар ва ажамлар хусусан, христиан динига оид маълумотлардан кенг фойдаланган. Хусусан, христиан динига оид маълумотлар айниқса, ўрта асрларда жаҳон сиёсатини бошқаришда муҳим жиҳатларини ёритишда кенг фойдаланилган. Халифалар, шоҳлар ва султонлар халқ устидан бошқарув ягона мафкура асосида бўлиб, жамоатчилик фикри XVIII асрдан бошлаб эътибор қаратилган [1:175-176]. Демак, Табарий ҳам ўша давр хусусиятидан келиб чиқиб, сиёсий қарашларнинг устуворлигига қараб маълумотларни бериб борган.

Шунингдек, Жавод Алий ўз фикрини давом эттириб, Табарий ҳаётининг асосий қисми ўша даврдаги муҳим минтақаларида бўлгани, у ташриф буюрган бу ҳудудлар қадимги Шарқнинг маданий марказлари экани, ўша даврдаги қадимий қадамжойларига боргани, олган билимлари ва тарихий ривоятларни жамлаган тарихи асар ёзишга киришгани, бошқа тарихга оид асарларда учрайдиган тафсилотлар билан беришга эришган, лекин ўша даврга хос қадимий қадамжойлар ҳақида маълумотлар бермайди [1:170].

Бу услуб ҳам алломага хос бўлиб, муаллиф асарда тарихий воқеаларни қандай баён этиши ҳақида асарининг кириш қисмида баён этиб,

фақатгина халифаликдаги чегаралар ҳақида маълумотлар тақдим этаётганида жуғрофий маълумотлар келтирганлигини айтиб ўтган [5:6]. Шу билан бирга баъзи ўринларда халифаларнинг таржимаи ҳоллари, баъзида оилавий ҳаёти, фарзандлари, фазилатлари ва камчиликлари ҳақидаги маълумотларни келтиради. Халифалар тарихига оид маълумотларда ҳукмронлик қилинган даврнинг узок ёки қисқа муддат эканлигидан келиб чиқиб, тарихий воқеаларни баён қилишда кенг қамровли ёки қисқа сатрларда маълумот беришга ҳаракат қилган.

Табарийнинг бу услуби ўзига хос бўлиб, ривоятлар хотиранинг сустлашиши, шахсий ва диний қарашлар каби турли омиллар таъсирида бўлиб, ушбу ривоятларни танқид ёки саралаш жараёнидан ўтказмай, тўғри деб айтиш қийин. Бу эса, воқеага хос ривоятни танқид қилмасдан туриб ўз фикрини билдириши, берилган ривоятларнинг ишончсизлигини оширишига таъсир қилишидан қочган.

Табарийнинг яна бир хусусияти шундаки, у ривоятларни ҳеч қандай ўзгаришсиз тақдим қилади. Бу эса, алломанинг илмий ахлоқини кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади. Аллома маълумотларни тақдим этишда ровийлар занжиридаги асосий шахслар – ровийларга эътиборни қаратади. Бунда ишончли ровийлардан маълумотларни олишга интилиб, ривоятларга эмас, кўпроқ ҳикоятчиларнинг ишончлилигини устун қўяди [7:519].

Табарий “Тарих ар-русул вал-мулук” асарида бевосита ривоят қилган ровийларининг асосий қисми ишончли ровий сифатида эътироф этилади. Асарда келтирилган сийратга тегишли ривоятлари ҳадис илмининг бир бўлаги ҳисобланган “жарҳ ва таъдил” илмига тегишли кўплаб маълумотларни тақдим қилади.

Табарий илмий фаолиятини ҳадис илмидан бошлаган муҳаддис бўлиб, тарихий ривоятларни тўплаш, таҳлил қилишида муҳаддислар усулига таянган ҳолда тарихий воқеаларни баён қилган. Муҳаммад Фатҳ Усмон Табарий тарихи ҳақида қуйидаги фикрларни билдиради: “Табарий тарих майдонига тафсир ва ҳадис эшиклари орқали киргани сабабли тарихий воқеаларни ровийлар орқали баён қилади” [4:167].

Табарий ривоятларни келтиришда энг кўп ишлатган сўз бу “ҳаддасана” ва “ҳадасани” сўзлари бўлиб, бу сўзларни қўлланилиши

ривоятларни баёнида алоҳида аҳамият касб этган. Масалан, Ибн Мусаннадан Муҳаммад (с.а.в.)нинг исмларини тавсифловчи икки ривоятни келтиради [6:178]. Биринчисида “хаддасани” (у менга айтди), иккинчисида “хаддасана” (у бизга айтди) сўзини қўллаган бўлиб, бу икки хабарни ўзига хослигини ифода қилмоқчи бўлади. Биринчи ифодага кўра, ёлғиз ўзи хабарни олганлигига, иккинчи ифодага кўра, у билан бирга яна бошқалар ҳам борлигига ишора қилади.

ХУЛОСА

Хулоса қилсак, Табарий исломгача бўлган Пайғамбарлар тарихини асосан, Ибн Исҳоқдан, Ваҳб ибн Мунаббаҳнинг “Китоб ал-мубтадо” китобидан, Ибн Муқаффанинг форс тили ва араб тилидаги таржима қилинган китобларидан ҳамда Ибн Ҳишомнинг маълумотларига таяниб ёзган бўлса, Юнон тарихини Дамашқ насронийларидан, яҳудийлар тарихини Исроил ривоятлари ва яҳудий Таврот уламоларидан олган. Исломдан аввалги араб тарихи Муҳаммад ибн Каъб Қуразий, Ваҳб ибн Мунаббаҳ, Ҳишом ибн Калбий ва Ибн Исҳоқда келган маълумотлар асосида келтирган. Табарий тарихий воқеаларга кўпинча ўз муносабатини билдириб ўтмайди, ўз фикрини жуда кам жойларда билдириб, диний қарашлари ва илмий объективлиги тарихий воқеаларга нисбатан бетараф бўлишига ёрдам берди.

Табарий ҳадис ва тарих ўртасидаги боғлиқ жиҳатларга эътибор беришга ҳаракат қилган. Чунки ислом тарихи дастлаб муҳаддислар томонидан ёзилган бўлиб, тарих ва ҳадис ўртасида боғлиқлик санад орқали баён қилинган. Табарий болалигидан ҳадис илмидан таълим олиб, бу илм унинг соҳада ўз ўрнини эгаллашга ўз таъсирини кўрсатди.

Тарихий ривоятларни ўзлаштиришда исноддан фойдаланиш вақт ўтиши билан заифлаша бошлаган, ҳатто Ибн Қутайба, Абу Ҳанифа Диноварий, Яъқубий каби баъзи тарихчилар томонидан деярли фойдаланилмай қолган. Бу усул Табарий томонидан қайта тикланган. Чунки Табарий ҳар бир воқеанинг аслини ёзар экан, уни ўз гувоҳи ёки ҳеч бўлмаганда узлуксиз ровийлар занжири орқали олган замондошига нисбат бериш йўлини тутган.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Алий Жавод. Маварид ат-Тарихи Табарий. – Бағдод: Мажаллат ал-мажмаил илм ал-Ироқ, 1950. – Ж. I. – 231 б.
2. Алишер Навоий. Тарихи мулуки аҷам / Асарлар / - Ж. XIV. – Тошкент: Фан, – 269 б.
3. Ибн Асир. ал-Комил фи ат-тарих. – Байрут: Дор кутуб ал-илмия, 1971. – Ж. I. – 256 б.
4. Муҳаммад Фатҳ Усмон. Ал-Мадҳал ила-т-тарихи-л-ислам. – Байрут: Дорун нафаис, 1412/1991 – 430 б.
5. Табарий. Тарих ар-русул вал-мулук // I-XI. Муҳаммад Абуфазл Иброҳим таҳқиқи. – Қоҳира: Дор ал-маърифат, 1387/1967. – Ж. I. – 637 б.
6. Табарий. Тарих ар-русул вал-мулук // I-XI. Муҳаммад Абуфазл Иброҳим таҳқиқи. – Қоҳира: Дор ал-маърифат, 1387/1967. 1387. – Ж. III. – 632 б.
7. Фуад Сизгин. Тарих ат-турок ал-арабий. Фаҳмий Ҳижозий таржимаси. – Риёд: Жомиа ал-имам Муҳаммад ибн Сауд ал-исламия, 1991. – Ж. I. – 630 б.
8. Шокир Мустафо. Ат-Тарих ал-араб ва ал-муаррихун. – Байрут: Дор ал-илм лил-малайийн, 1983. – Ж. I. – 468 б.